


**Oriental Journal of Philology****ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**THE ROLE OF LANGUAGE AND STYLE IN THE POETICS OF THE QISSA****Aslbek Ergashev***PhD, Senior Lecturer, Department of Russian Literary Studies**Chirchik State Pedagogical University**Chirchik, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

**Key words:** style, literary language, imagery, psychological analysis, plot, composition, idea.

**Received:** 23.12.25**Accepted:** 24.12.25**Published:** 25.12.25

**Abstract:** This article compares the views of the connoisseur of the human psyche and philosopher Leo Tolstoy with those of Sh. Kholmiraev. It provides a detailed discussion of Leo Tolstoy's artistic style and creative concept, and emphasizes the writer's distinctive place in world literature.

**ҚИССА БАДИИЯТИДА ТИЛ ВА УСЛУБНИНГ РОЛИ****Аслбек Эргашев***Чирчик давлат педагогика университети**Рус адабиётишунослиги кафедраси PhD, катта уқитувчиси**Чирчик, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** услуб, бадий тил, образлилик, рухий таҳлил. Сюжет, композиция, ғоя.

**Аннотация:** Ушбу мақолада инсон руҳияти билимдони ва файласуф Л.Толстой хамда Ш.Холмирзаев қарашлари қиёсланади. Л.Толстойнинг бадий услуби ва ижодий концепцияси ҳақида атрофлича мулоҳазалар юритилади. Ёзувчи жаҳон адабиётида ўзига хос ўрни борлиги қайд этилади.

**РОЛЬ ЯЗЫКА И СТИЛЯ В ПОЭТИКЕ КИССЫ****Аслбек Эргашев***PhD, старший преподаватель кафедры русской литературы**Чирчикский государственный педагогический университет**Чирчик, Узбекистан***О СТАТЬЕ**

**Ключевые слова:** художественный язык,

стиль, образность,

**Аннотация:** В данной статье сопоставляются взгляды знатока человеческой психологии и философа Л.

психологический анализ, сюжет, Толстого и Ш. Холмирзаева. Даются композиция, идея. развернутые рассуждения о художественном стиле и творческой концепции Л. Толстого. Отмечается, что писатель занимает особое место в мировой литературе.

---

Асрлар давомида оғзаки адабиётдан бино бўлган ёзма адабиёт сарчашмалари насрий асарларнинг жанрий тараққиётини белгилашда ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Чунки қиссагўйлар дoston айтувчи, бахшилар, қибал оқинлари, кайвонилар билан ҳамиша жозибаторлик касб этган. Қадим-қадим замонлардан буёнок, ўзбек халқи санъат ва маданиятга катта эътибор қаратишган. Исломо дини кириб келгунга қадар Ўрта Осиё аҳолиси ўзларининг азим зардуштийлик дини, муқаддас китоби “Авесто”даги эзгулик ва ёвузлик орасидаги мангу курашни ифодалаш борасида ҳам жонбозлик кўрсатганлар. Илм ва тафаккур қилиш, яхши ҳаёт кечириш икки дарё оралиғида яшовчи туб аҳолининг асосий қуроли бўлган. Фольклор адабиётдан кўчиб ўтган бадий наср, адабиёт, ундаги образлар қиссагўйлар томонидан ўзига хос тарзда истифода этилган. Тил ана шундай ўткир қуролки, уни асрлар оша аждодларимиз катта мақсадлар билан тараққий этишига ўз ҳиссаларини қўшиб келганлар.

Маълумки, Ўзбекистон халқ ёзувчиси А.Мухтор шундай ёзади: “Ёзувчининг актив позицияси – аввало юксак бадий маҳорат деган сўз. Ҳозирги ёзувчи юксак бадий маҳорат эгаси бўлса, у узок ўтмиш мавзуида ёзганида ҳам замона китобхонининг ички дунёсига таъсир эта олади, яъни ўзининг актив позициясини намоиш эта олади”. Бинобарин, А.Мухтор талқинида бадий маҳоратнинг ривжоланиши, ёзувчининг ҳаётий позицияси, адабий таъсир ва ижодий ўзига хослик билан ҳам ўлчанади.

“Ҳар қандай ижтимоий-тарихий жараён ва шунингдек, нарса- ҳодисаларнинг яратилиш, дунёга келиш, ўзгариш ва ривожланишига асос бўлган сабаб ва турткилар бўлиши табиий бўлганидек, адабий жараёндаги янгиланишлар ҳам муайян тарихий, ижтимоий, маданий, сиёсий, илмий ўзгаришлар таъсирида шаклланади ва тараққий этади”, – дея ёзади ф.ф.д. Ш.Давронова.

Адабиётшунос Умида Расулованинг “XX аср ўзбек қиссалари тадрижи” ўқув-услугий қўлланмасида жанр табиати ҳақида қуйидаги мулоҳазаларни ифодалайди: “Машҳур сиймолар ҳақида ҳол-ҳаёт ёзиш ёзма адабиётда узок тарих, анъанага эга. Бу ўринда форсий ва туркий “Шоҳнома”лар, бетакрор “Хамсалар таркибидаги шоҳлар, хонлар, ошиқлар, анбиёю валийлар ҳақидаги қиссалар ёдга тушади. Алишер Навоийнинг “Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад”, “Ҳолати Ҳасан Ардашер”и ҳам ўзига хос қисса. Уларда юртни адолатли бошқариш, миллат равнақи йўлида фидойилик қилиш, илму маърифатни кадрлаш

масалалари ўз ифодасини топган. Ҳолатнинг бадийлашган ифодаси қисса битиш – XIX аср охирига келиб, оммавий матбуот пайдо бўлгач, кенг ривожланди. Мумтоз адабиётда кимнингдир ҳол-ҳаёти адибу муаррих томонидан битилган бўлса, кейинчалик элга танилган шахс ўз ҳол-ҳаётини бадиий ифодалаб, кўпчилик ҳукмига ҳавола эта бошлади. Энди “қиссахон”лик “қиссанавислик” билан алмаша бошланди”. Демак, олима Умида Расулованинг мулоҳазаларига тўлдирувчи сифатида шуни изоҳлаш мумкин, қисса ва унинг жанр талаблари ўтган аср бошларида матбуотнинг оммавийлиги, шахснинг ўз ҳаёти, бошидан кечирганлари, болалиги, орзу-умидлари аста-секинлик билан Ғарб ва рус адабиёти вакиллари таъсирида янада сайқаллана бошлади.

Аллоҳ таолонинг “Қуръони карим” китобида 124 минг пайғамбарлар ҳақида эслатилади. “Нисо” сурасида бу ҳақда тўхталиб ўтилади. Қисса жанри генезиси тарихи ҳақида сўз борганда жанрнинг ўзи турли даврларда ҳар хил шаклларда ҳажман, мазмунан ва ғоявийлик жиҳатидан ўзгариб, такомиллашиб борганлиги бўйича маълумотлар мавжуд. “Ҳар бир қисса марказида аниқ бир “шахс” ҳаёт йўли (сюжети) туриши барча воқеалар (сюжет линиялари), шу шахс атрофида кечиши ва бевосита унга келиб боғланиши: бутун “қисса” ягона бир мазмун, жумла-концепцияга қурилиши” ни қайд этса, “...баъзи бир қиссалар чиндан ҳам ўз мазмуни ва композицион қурилиши жиҳатидан романдан унча фарқ этмайди, фақат уларнинг ҳажми бироз кичкироқ, холос. Мисол сифатида Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак”, Одил Ёқубовнинг “Ларза” ва Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Галатепага қайтиш” повест-романларини кўрсатиш мумкин. Тасвир кўламига кўра ҳам бу қиссалар роман жанридаги асарлардан унча фарқ қилмайди. Лекин уларнинг бадиий қурилишидаги баъзи бадиий аломатлари буларнинг повест жанрига мансублигини белгилаб туради. Бинобарин, роман ва қисса жанрларининг ўзига хос хусусиятларини яхши билмай туриб бундай асарларнинг жанрини аниқ белгилаш қийин”.

Мутаржим Муҳиддин Раҳим бу масалани шундай изоҳлайди: “Ҳар бир ўқувчи бадиий асарни ўз ҳаётини ва адабий тажрибаси асосида идрок этади. Шу боис бир ўқувчининг идроки бошқасиникига айнан ўхшамайди. Бадиий идрок билан боғлиқ бу турфалик, аслида, бизга ато этилган ажойиб неъмат. Шунга кўра, буюк рус адиби Лев Толстойнинг “Иблис” қиссаси таржимасига ёзилган ушбу сўзбошидан мурод ҳам мухтарам журналхоннинг шундай муқаддас ҳуқуқига даҳл қилмоқ эмас, албатта. Биз атиги даҳо сўз санъаткори мазкур қиссасини қандай яратгани ҳақида баъзи муҳим маълумотларни эслатиб қўймоқчимиз, холос. Зеро, бу маълумотлар “Иблис” қиссасини тўғри тушуниш, тўғри талқин этишда ҳар бир ўқувчига асқотиши шак-шубҳасиздир.

Қиссанависнинг бу ифодаларида асар муаллифининг ижодий, балки олам ва ўзи ҳақидаги концепцияси яққол намоён бўлади:

“У хотинига балки кўнглини ҳам тўкиб солар эди-ю, лекин шу пайт энага кириб, сайр қилгани чиқсак майлими, деб сўраб қолди. Лиза чақалокни кийинтиргани у билан бирга чиқди:

– Хўш, айтасан-а? Бир зумда қайтаман.

– Майли, айтарман балки...

Эри бу сўзларни нақадар аянчли жилмайиш билан айтганини Лиза бир умр унута олмай юрди. Хотини чиқди.

Евгений, худди қароқчилардек, револьверни шоша-пиша қўлга олди-да, ғилофдан чиқарди. “У – ўқланган, аммо анча вақт аввал, тагин битта ўқи кам. Нима бўлса, бўлар, таваккал!”

У револьвер оғзини чаккасига қадади-да, бир зум эсанкираб қолди, Степанида эсига тушди-ю, уни миясидан чиқариш учун курашиши, шахвоний хирс васвасасига учраши ва маънан юзтубан кетиши, сўнг яна курашиши ҳақида ўйлаб, даҳшатдан титраб кетди. “Йўқ, шуниси афзал”. У тепкини босди.

Лиза хонага чопиб кирганида – у эндигина балконга етганди – Евгений полда юзтубан ётар, қоп-қора, иссиқ қон ярадан шариллаб оқар, бадани ҳали титраб турарди.

Миршаблар келиб, савол-сўроқ қилишди. Ҳеч ким бу суиқасд сабабини тушунолмас, изоҳлаб беролмас эди. Тоғаси бу фожианинг Евгений икки ой аввал унинг қошида келтирган истиғфорга бирор алоқаси йўқмикан, деган фикрни хаёлига ҳам келтирмади.

Варвара Алексеевна, бир кунмас-бир кун шундай бўлишини кўнглим сезган эди, дея ҳаммани ишонтирмоқчи бўлди. У Евгений билан жанжаллашиб қолган пайтларида шунга амин бўлган эмиш. Лиза билан Марья Павловнанинг эса нега шунақа бўлганига ҳечам ақли етмасди. Докторларнинг, Евгений руҳий хасталикка чалинган, деган гапига улар зиғирча ҳам ишонмасди. Чунки иккови ҳам ўзлари таниган юзлаб одамлардан Евгений соғломроқ фикр юритишини биларди.

Дарҳақиқат, Евгений руҳий хаста бўлса, унда ҳамма одамлар ҳам руҳий хаста бўлиб чиқади. Энг ашаддий телбалар эса бошқаларда жиннилик аломатларини кўради-ю, аммо ўзидаям шундай аломатлар борлигини пайқамайди”.

Ёзувчи бу тасвирда нимани изоҳламоқда. Биринчидан, Евгений ичига кирган иблисининг нечоғли фожеаларга гирфтор этиб, тўғри ва пок инсонни йўлдан ҳам, ақлдан ҳам оздирувчи лаънатланган Тангри таолонинг бир мавжудотини ўз хаёл ва ижод призмасидан ўтказмоқда. Шайтон қандай бўлмасин пок ва итоатли, эътиқодли инсонни йўлдан оздирувчи сифатида тасвирланмоқда. “Ёзувчи асар ёзишни ўйлар экан, унинг қайси ўрни ёки деталини муфассал, сиқик ҳолда, қайси ўрни ва деталини қисқа ва жонлироқ ҳолда тасвирлаш лозимлигини олдиндан аниқ билавермайди. Бу нарса асар ёзиш жараёнида

маълум бўлади. Маълум бўлганда ҳам, ўз-ўзидан эмас, балки муайян қонуниятлар асосида бўлади. Бу қонуниятларни асарда ёзувчи диққат марказидан, боб ва картиналардаги марказлардан излаш лозим”.

“Лев Толстойни мусулмон деб айтиш мумкинми ёки йўқми? Рус ва жаҳон адабиётининг йирик вакилининг диний мансублик борасидаги сўнги қарори қандай бўлган? Толстой Ислом ва мусулмонлар ҳақида нималарни билган? Аввало, Толстойнинг ҳаётида мусулмонлар ва улар эътиқод қилувчи Ислом дини билан кесишган нуқталар бўлганми, йўқми ва у Ислом ҳақида нималарни билган, шунини аниқлаштириб олоқ керак. Аён бўлишича, унинг мусулмонлар билан шахсий алоқалари ва ислом дини ҳақидаги билимлари рус классикларининг ҳаммасиникидан кўп бўлган. У 13 ёшга кирган вақтида оиласи Қозонга кўчиб боради. Волга бўйидаги ўрта асрларда Волж булғорлари мамлакатининг марказларидан бири бўлган қадимий шаҳарни XVI асрда рус босқинчилари ишғол қилган бўлса-да, шаҳар аҳолиси барибир эски исломий ҳаёт тарзини, урф-одатларини сақлаб қолган эди”. Мана шу мулоҳазаларнинг ўзиёқ Лев Толстойнинг болаликдан бошлаб дин ва эътиқод, дунё ва олам, Яратганни англаш борасидаги қарашларини тубдан ўзгартириб келганини далолатлайди.

проф. Д.Қурононов ва Б.Раҳмонов шундай ёзади: “Антик маданиятнинг архаик даврида куртак ҳолида бўлган адабий-назарий ва адабий танқидий тафаккур юнон-рим адабиёти ҳамда нотиклик санъатининг бой материали заминида барг ёзди, ривожга кирди. Фалсафий қарашлар негизида адабиётнинг моҳияти, унинг воқелик билан муносабати, ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва вазифалари каби муҳим масалалар ўрганилди. Адабиётнинг тараккий даражасидан келиб чиққан ҳолда турларга ажратиш амалга оширилди, ҳар бир турнинг ўзига хослигини белгиловчи хусусиятлар аниқланди. Бадиий асарнинг таркибий тузилишига эътибор қаратилди: бадиий шакл ва бадиий мазмун тушунчалари фарқланди, уларнинг ўзаро муносабатлари текширилди; характер, фабула, тугун каби унсурлар тавсифланди, бадиий асардаги ўрни ёритилди, уларга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди”. Ҳақиқатдан ҳам, кейинчалик бу анъана Ўрта асрларга келиб ҳам давом этди. Мана шу пайтда қиссанавислик ҳам ривож топиб, дунё тамаддунида адабий-бадиий алоқлар, таъсирлар кучайди. Жанрнинг ўзи қотиб қолган бирор қолипда эмас, ўзаро адабий таъсир доирасида шаклланди. Бу жараён ҳозирги кунда ҳам давом этмоқдаки, кўшиқ, шеър ёки поэмадан насрга, насрнинг ўзида лирик чекиннишлар, қоришиб, аралашиб кетган ҳолда зухур этилиш тамойиллари ҳам тез-тез учраб туради. Демак, бирор халқнинг адабий-маданий хазинаси иккинчи бир халқ руҳиятига, адабиётига таъсир доираси ҳам ўзгача бўлади.

Шукур Холмирзаев рус ёзувчиси Лев Толстойни жуда теран ўрганади. “Танҳолик” хикоясида бу ҳақда Лев Толстойнинг ижод психологияси, ижодкор фитратини шу қадар ёритиб берадики, унда Ш.Холмирзаев шахсияти ва руҳияти аралашиб, жуда гўзал бир қиссага айланади. Қиссадаги диалог, монолог ва мактублар, лирик чқинишлар, портретлар асарни бадиий қийматини оширибгина қолмай ўқувчига жозибали бир картинани томоша қилаётгандек таассурот қолдиради:

“Отаси ҳпаяжонлана бошлаши билан ўриндиқдан тушгудек бўлиб, унинг қўлларини силай бошлаган Алексадра:

– Дадажон, бас. Ҳамма гапларинг тўғри, тўғри, – деди.

“Сен ҳам онангга ўхшайсан. Тўғри дейсан-у...” деди гапира кетгиси келди-ю, ўзини қўлга олди: бу – унинг севимли қизи Александра. Фақат шу, шугина ўзининг Ясная Полянадан бош олиб чиқиб кетишини, қаердадир бир ғариб кулбада қолган умрини (табиий, ишлаб) ўтказиш қарорини, ниҳоят, биринчи бўлиб маъқуллади. Демак, у дадасининг тграф уйида – қасрда яшашдан номус қилиб, тўйиб кетганини, илло, атрофда очлик, фақирлик ҳукм сураётган бир замонда ўзининг ана шундай кошонада тўқ-тўкин ҳаёт кечириши – уят, номус, ўз эътиқодларига зид эканини тушунган: ахир, у – отаси – дунё танийдиган, император Николай II ҳам, кези келганда, қўл қовуштирадиган, куни кеча Нобель мукофотини олишдан воз кечган – ҳаётини аллақачон эзгулик йўлига – одамларни бахтли қилиш йўлига бағишлаб қўйган, пироварди, “ўзинг учун эмас, зхгалар учун яша!” деган шиорни умрига дастур қилган инсонни, ниҳоят, ўз армонларидан бири ҳам ушалмаётганини кўриб, умри поёнига етганини англаб, эндиликда бу ҳаётда яшашида маъно қолмаганига инониб, азбаройи “кўрмайин ҳам, куймайин ҳам” дегандек, фақир-ҳақирлар қатори умргузаронлик қилишидан бошқа йўл томолмаган, ана шунинг учун ҳамма-ҳамма нарсдан воз кечиб, қандайдир бир деҳқоннинг кулбасини макон тутмоқ ниятида йўлга чиққанини биладиган ва акс ҳолда, отасининг қазоси тезлашиб қолишига инонгани учун уни борар манзилигача кузатиб қўйиш учун ҳам ёнида йўлга чиққан қизи бу...”

Келтирилган лавҳа, шу асар матнидан ҳам англашилиб турибди, ёзувчи Лев Толстойнинг ўзбек насрига фалсафий-эстетик жиҳатдан, психологик йўсинда ҳам таъсир қилганли. Шукур Холмирзаев бадиий нутқнинг шу қадар жозибадорлигини оширганки, натижада ўқувчи кўз ўнгида умри поёнига етган, соқоллари узун, таниш бир қиёфали нуроний чол Лев Толстой кўз ўнгимизда гавдаланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Асқад Мухтор. Ёзувчининг ҳаётий позицияси. –Т: “Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”. 1981. –Б.18.

2. Давронова Ш. Истиклол даври ўзбек романларида шарқ ва ғарб анъаналарининг бадиий синтези. Филол.фан.док.дисс.. –Самарқанд. 2019. -Б.28.
3. Расулова У. XX аср ўзбек қиссачилиги тадрижи. Ўқув-услубий қўлланма. –Т: “ФАН”. 2012. -Б.8.
4. Қозихўжаев А. Қисса жанри хусусида. XX аср ўзбек адабиёти масалалари. – Т., ФАН. 2012. –Б. 206.
5. Адабий тур ва жанрлар(тарихи ва назариясига оид) 3-жилдлик. 1-жилд. –Т. “ФАН”. 1991. –Б.152.
6. <https://ziyouz.uz/jahon-nasri/lev-tolstoy/lev-tolstoy-iblis-qissa/>
7. Қўшжонов М. Танланган асарлар. –Т.: “Шарқ”. 2019. –Б.412.
8. <http://old.muslim.uz/index.php/ar/maqolalar/item/3955> Таржимон: Дамин Жумақулов
9. Куронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-ганикидий тафаккури тарихи очерклари. –Т., 2008. –Б.27.
10. Холмирзаев Ш. Танланган асарлар. –Т. “Шарқ”. 2020.-Б. 720-721.